

## ТОПОНИМИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ТАҲЛИЛИ

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети

Эргашева Нодира Абдурайимовна

**Аннотация:** Топонимларни лингвистик аспектда ўрганиш, лексик бирлик сифатидаги номлаш хусусиятларини таҳлил қилиш, ономастик бирликлар семантикасини ёритиш, тарихий, маданий, услубий семаларни тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади. География, тарих, адабиётшунослик, биология, геология, этнография каби кўплаб фанларни ўрганишда топонимика муҳим роль ўйнайди.

**Kalitso‘zlari:** География, топонимлар, инсоният, микротопонимия, атамалар, шевалар.

## ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТОПОНИМИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

Навоийский государственный горно-технологический университет

Эргашева Надира Абдурайимовна

**Абстракт:** Актуальными являются изучение топонимов в лингвистическом аспекте, анализ особенностей именования как лексической единицы, выяснение семантики ономастических единиц, исследование историко-культурной и методологической темы. Топонимия играет важную роль при изучении многих предметов, таких как география, история, литературоведение, биология, геология, этнография.

**Ключевые слова:** География, топонимы, человечество, микротопонимия, термины, диалекты.

## LINGUISTIC ANALYSIS OF TOPONYMIC UNITS

Navoi State University of Mining and Technology

Ergasheva Nodira Abduraimovna

**Annotation:** Relevant are the study of toponyms in the linguistic aspect, analysis of the features of naming as a lexical unit, clarification of the semantics of

onomastic units, study of historical, cultural and methodological topics. Toponymy plays an important role in the study of many subjects, such as geography, history, literary criticism, biology, geology, and ethnography.

**Keywords:** Geography, toponymy, humanism, microtoponymy, terminy, dialect.

Дунё тилшунослигида лингвистик, тарихий, географик топонимика, ареал лингвистикага оид изланишлар юзага келмоқда. Бугунги кунда ойконимлар, гидронимлар, оронимлар, агиотопонимлар ва некронимлар каби топонимик кўламнинг барча бирликларини янги лисоний парадигмалар асосида тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди. Топонимларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва такомилени ёритишда, номинатив, коммуникатив, аккумулятив функциялари моҳиятини ақс эттиришда аҳамиятлидир. Топоним деб, бирон бир жойнинг иккинчи бир жойдан фарқлайдиган номига айтилади. Бусўз лотинтилиданолинган бўлиб, *“топос” - ер, “онома” - ном*, исм деган мазмун беради. Жой номларининг йиғиндиси топонимия деб айтилади.

География, тарих, адабиётшунослик, биология, геология, этнография каби кўплаб фанларни ўрганишда топонимика муҳим роль ўйнайди. У фан сифатида бирмунча кечроқ шаклланган, яъни нисбатан ёш бўлса ҳам, замонамизда юқорида эслаб ўтилган предметларнинг асосий ўрганиш методларидан бири ўлароқ шаклланиб бўлди. Чунки уларнинг ҳар бирида билиш, номлар орқали амалга оширилади. Шусиз географик номларни бир-бирларидан фарқлаш қийин ва табиийки ҳар бир туркум (шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, ва ҳ.) тушунчаларининг аралаш-қуралаш бўлиб кетишига сабабчи бўлади. Шу боисдан инсоният шаклланибдики, уларни айрим-айрим номлар билан атайди. Натижада жамият тарихида миллионлаб номлар пайдо бўлди ва уларнинг ўзига хос маъно-мазмунлари шаклланди. Айнан ўша маъно-мазмун бир қанча фанларни ўрганишда ўзига хос «калит» сифатида иштирок эта бошлади. Буни

чукур англаган тадқиқотчилар жой номларини тарихий лингвистик, яъниэтимологикжиҳатдан таҳлил қиларэкан, ўша топоним мазмунанжойлашган нуқтасининг табиий-географик шароитига нақадар мостушиш-тушмаслигига эътибор каратадилар. Чункижойномлариўшахудуднинг кўпчилик хусусиятларини аник ифодалаб туради.

Жой номларининг мазмунини англаш билими қадимги даврлардан бошлаб кўпгина олимларни кизиқтирган. Жумладан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Наршаҳий, Масъудий, Истаҳрий, Ёкут Хамавий, Абу Райҳон Беруний, Наршаҳий, Юсуф Хос Ҳожиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳофиз Таниш Бухорий каби олимлар ўз асарларида жой номларининг маъно-мазмунини қизиқарли тарзда очиб беришга муваффақ бўлганлар. Аммо, «Топонимика» фансифатида XIX асрнинг хирлари XX асрнинг бошларидагина ривожлана бошлади. Айниқса, Ватанимиз мустақилликка эришгач уни ўрганиш янада ривожланди. Топонимлар нодир сўз намуналари, қолаверса, халқ қадрияглари сифатида қадрланиб, унутила бошлаганлари эса қайта тикланди.

Мамлакатимизда ўзбек тили топонимикаси анча ривожланган бўлса-да, Республикамизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Пахтачи тумани микротопонимияси семантик жиҳатдан тадқиқ этилмаган. “Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуватлашимиз лозим”. Бу, албатта, ўзбек тили топонимикасига ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда ўзбек топонимикаси олдида барча вилоятлар микротопонимиясини замонавий тилшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этиш вазифаси қўйилмоқда. Топонимларнинг семантик хусусиятларини лисоний, тарихий, географик, этнологик, социолингвистик ёндашувлар уйғунлигида ўрганиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига киради. Халқ маданияти, турмуш тарзида кўпинча замон, вақт тушунчаси, йил фасллари билан боғлиқ муносабатларни ифода этувчи бирликлар асосида топонимик атамалар шаклланган. Масалан, *куртик* – қиш фаслида қаттиқ шамол таъсирида

чуқурликларга, бурумларга уюлиб қолган қор. Бу қорлар қуёш нурида ҳам эримай, узоқ муддат сақланиб қолади. Ҳамма халқларда ҳам нарса-буюм, ёғиннинг майда қисмларигача ёки ёғин қолдиқларигача номлаши кузатилавермайди. Беткай – қиялик бўлиб, соат кундузги 3-4 ларга қадар офтоб тушиб турадиган, молларни боқиш учун қулай жой. Бу тушунча чорвачилик турмуш тарзи билан боғлиқ. Беткай сўзи халқимизнинг қиш фаслида ҳам чорванинг ғамини ейиши натижасида шаклланган тушунчалардан бири бўлиб, у “офтоб нури тушадиган”, **“очиқ”**; “ҳавф-хатардан холи”, **“ўт-ўланли”** семаларини акс эттиради. Беткай сўзи қипчоқ шевалари вакиллари яшайдиган Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудларида ҳам ишлатилади. Худди шу маънога яқин, “қуёшнинг нури доимий равишда тушиб туриши натижасида қорлари кетиб қолган жойлар” маъносидаги олақашат сўзи фақат Самарқанд вилояти ҳудудида яшовчи халқлар нутқида учрайди. Беткай топонимида “ҳудуд юзаси, кўринадиган томони” семаси устун бўлса, **“олақашат”**да “у ер бу ерда қор уюмларининг қолиши натижасидаги ола-була кўриниш” семаси дастлабки эътибордадир. Чимилдиқсой худди келинчакларнинг чимилдиғига ўхшайди. Шунинг учун ҳам бу сой Чимилдиқсой деб ном олган.

Минтақа жой номлари, хусусан, микротопонимлар ичида антропотопонимлар, яъни кишиларнинг исми, фамилиялари ҳамда лақаблари билан аталадиган топонимлар сон жиҳатидан этнотопонимлардан кейинги ўринда туради. Топонимларнинг маълум қисми авлиёлар, пирлар, машхур афсонавий шахслар исмлари билан боғлиқ. Масалан, **Оқсоқота** – азиз жой бўлиб, авлиё номига қўйилган. Оёғи оқсоқ бўлиб қолган турли чорва моллари ёки одамларни олиб бориб зиёрат қилдирилса, бу дарддан халос бўлишига асосланиб, Оқсоқота деб номланган. Халқда жой номига асос бўлган авлиёнинг ҳам оқсоқ бўлгани, шу боис **“Оқсоқота”** деб номланиши ҳақидаги қараш мавжуд.

**Метафорик топонимларнинг семантик хусусиятлари.**

Ўхшатишлар асосидаги топонимлар: топонимларнинг маълум қисми миллий-маданий турмуш тарзига хос воқелик, нарса-буюм, ҳодисага қиёслаш асосида шаклланган: Туяўрқач, Эгизбулоқ, Эгизтепа. Таклид сўзлар олам манзарасининг миллий тилдаги ифодасини намоён этувчи бирликлардир. Таклид сўзлар нарса-ҳодисанинг ҳолати ёки товушига кўра юзага келади ва улар халқ тасаввури, гидрокини, қабул қилиш даражасини акс эттиради. Айрим топонимлар воқеа-ҳодиса, жараён асосида номланган. Бу хусусиятлар ҳам, албатта, халқнинг кузатишлари, қарашлари, тажрибаси натижасида юзага келган. Топонимларни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, айниқса, семантик хусусиятларини ўрганиш халқнинг миллий, этник, ижтимоий-сиёсий, маданий тарихини, тилнинг тарихий тараққиёти ва тақомилини ёритишда, номинатив, коммуникатив функциялари моҳиятини акс эттиришда аҳамиятлидир. Мамлакатимизда ўзбек тили топонимикаси анча ривожланган бўлса-да, Республикаимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Пахтачи тумани микротопонимияси лисоний, семантик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ғулломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли луғати.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994.-Б.84.
2. Б.Йўлдошев. Ўзбек оономастикаси масалалари. Самарқанд.2011
3. А. Солиев, М. Назаров. Ўзбекистон қишлоқлари. Монография. Фан ва технология. Т.: 2009й.
4. А. Низомов, Г. Раҳимова. Топонимика. “Шарқ”, Тошкент.2013 й.
- Х. Узоқов, Ў. Мирзакаримова. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент.” Ўқитувчи” 1993 й.
5. И Санаев. Зиёвуддин тарихи. “Шарқ”. Тошкент.1995.
6. И. Санаев. Нодим Зиёвуддиний. “Зарафшон”. Самарқанд.1995.